# ОРОЛ: ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов бундай деди: кутиб турмаслик, бир-бирига солмаслик, балки ҳар ким режалаштирилган ишларни мумкин қадар кўпроқ бажариши, ижрочиларнинг масъулиятини ошириш лозим — ҳозирги пайтда ҳаммадан ҳам зарури ана шулардир.

Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун, аввало, суғориш учун Амударё ва Сирдарё сувидан фойдаланишни тубдан яхшилаш масаласи ўткир қилиб қўйилди. Сувдан фойдаланганлик учун колхозлар ва совхозларнинг ҳақ тўлаши жорий этилиши бунга кўп жиҳатдан ёрдам бериши мумкинлиги таъкидланди. Сувдан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш фақат социал-маиший шароитни яхшилаш йўли эмас, шу билан бирга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, шахсий томорқалар, боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантириш йўли ҳамдир, деди СССР табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси Ф. Т. Моргун. Бу эса пировардида маҳаллий аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла-тўкис таъминлашга, Оролбўйида яшовчиларнинг турмуш даражасига баракали таъсир қилган бўлур эди.

Яна бир долзарб вазифа — аҳолига медицина ёрдами кўрсатишни яхшилаш, экология муҳитининг ўзгарганлиги натижасида юз берадиган касалликларнинг олдини олишни кенгайтиришдан иборат.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш муассасалари Қорақалпоғистон ва Хоразм области аҳолисини оммавий равишда диспансеризациядан ўтказмоқда. Аммо бу республикалараро муаммо бўлиб, бу ишга Иттифоқ Соғлиқни сақлаш министрлиги асосли равишда қўшилиши керак, деб таъкидлади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Оролдаги депутатлар группасининг раҳбари В. П. Анишчев. Маълумки, қабул қилинган қарорда министрликка ана шундай топшириқлар берилган.

Хуллас, ишлар кўп, бу ишларнинг ҳаммаси кенг миқёсли. Ҳам ишлаб чиқариш, ҳам социал объектлар — уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, магазинлар, ошхоналар қурилишининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун кучғайратларни бирлаштириш талаб қилинади. Аҳолининг маблағлари ҳисобига якка тартибда уй-жой қурилишини рағбатлантирадиган шароитни яратиш лозим.

Экология танглиги муносабати билан Ўрта Осиёда вужудга келган муаммоларни ҳал қилишда фаннинг тутган ўрни катта. Шунга қарамай, СССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Орол билан боғлиқ тадқиқотларни сусткашлик билан олиб бормоқдалар. СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик Н. П. Лаверов ишларни кучайтириш юзасидан шошилинч чоралар кўрилади, деб ишонтирди.

Ёзувчи Т. Қайипберганов Орол одамлари ва табиати манфаатларини ҳимоя қилиб, ҳаяжон билан гапирди.

Табиатнинг ҳолати учун, айниқса, сув ресурсларининг ҳолати учун жамиятда ташвиш тез ортиб бормоқда, деди Е. К. Лигачев Орол муаммосига доир гапларга якун ясаб. Орол табиат қонунларини қўполлик билан бузиш қурбони бўлди. Гўё ҳаммаси пахтани деб қилинган, пахта эса одамлар учун зарур, дейишган. Бироқ ҳаммаси табиатга, одамларга қарши бўлиб чиқди. Одамлар маҳрумликларга дуч келмоқдалар.

Бу аҳволдан қутилишнинг битта йўли бор: КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори сўзсиз бажарилишини таъминлаш керак. Орол муаммосини фақат тадбирлар комплекси билан ҳал қилиш мумкин. Ҳозир социал вазифаларга зўр бериш муҳимдир. Одамлар ўз турмуш шароити яхшиланганлигини тез вақт ичида ҳис этишлари лозим. Энг муҳими — уларни сув билан таъминлашдир. Уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш масалалари ҳам маҳаллий, ҳам республика, Иттифоқ органларининг доимий диққат марказида бўлиши керак. Яқин йиллар ичида қурилиш ишларини анча кенгайтириш учун қурилиш индустрияси базасини тез юксалтириш, пудратчи коллективлар тузиш зарур.

Е. К. Лигачев шунингдек Оролга тааллуқли илмий тадқиқотларни активлаштириш учун регионга истеъдодли олимларни жалб этиш, улар атрофига маҳаллий кучларни ҳам жамлаш зарурлигини таъкидлади. Барча ишлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорининг бажарилиши устидан давлат ва жамоат назоратини кучайтириш асосида замонавий илмий-техникавий даражада олиб борилиши муҳимдир. Катта лойиҳаларни кенг кўламда муҳокама қилиш, олимлар, мутахассислар, аҳолининг фикрини ҳисобга олиш керак.

Оролнинг табиат комплексини тиклаш, унга ҳаёт бахш этиш — мамлакат, бутун дунё олдидаги катта масъулиятдир.

Муаммоларни муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети аграр бўлимининг мудири И. И. Скиба, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, СССР гидрометеорология ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш давлат комитетининг раиси Ю. А. Израэль, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислари иштирок этдилар.

* * *

Е. К. Лигачев 9—13 май кунлари Ўзбекистон ССРда бўлганида Тошкент ва Сурхондарё областларидаги бир қанча колхозлар ва совхозларга, «Союзхлопок» ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларига борди. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг партиянинг ҳозирги замондаги аграр сиёсати, қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш, аграр фан ролини ошириш масалаларига тааллуқли қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақида колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, олимлар, партия ходимлари билан суҳбатда бўлди.

Эндиликда вужудга келтирилган қулай иқтисодий шарт-шароитлардан фойдаланиб, деҳқонларнинг ташаббуси ва хўжаликларнинг социалистик омилкорлигини ривожлантириб, Ўзбекистон агросаноат комплексининг бой табиий ва моддий-техника имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш зарурлиги, боғлар, далалар ҳосилдорлигини, фермаларнинг маҳсулдорлигини ошириш, республикада аҳоли жон бошига гўшт ва сут маҳсулотлари, мева ва сабзавот истеъмол қилишнинг ўсишига эришиш зарурлиги таъкидланди. Ижара муносабатларининг, кооперация, шахсий томорқалар, завод коллективлари қишлоқ хўжаликларини фаол ривожлантириш, саноат корхоналари билан колхозлар, совхозлар ўртасида ўзаро фойдали, хўжалик ҳисоби негизида бевосита алоқаларни ўрнатиш бунга ёрдам бериши керак.

Айрим кишилар КПСС Марказий Комитети секретарига мурожаат этиб, ҳали ҳам томорқа хўжалиги ва боғ участкалари, сабзавотчилик учун ер ололмаётганликларидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш билан машғул бўлиш истагини бўғиб қўяётган бошқа қийинчиликлар учраётганидан шикоят қилдилар. Маҳаллий органларнинг раҳбарларига мамлакатда қабул қилинган қарорларнинг бажарилишида сусткашлик қилишаётгани кўрсатиб ўтилди. Нечоғлик қийин бўлмасин, ҳамма тўсиқларни олиб ташлаш, имкониятларни қидириб топиш ва гражданларга боғдорчилик-сабзавотчилик фаолияти учун ер ажратиб бериш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети раҳбарлари билан биргаликда апрелнинг охири — май ойининг бошларида кутилмаган совуқ ва қор ёғиши натижасида аграр секторда юз берган табиий офат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилди.

Хайробод темир йўл станциясига борилди, у ерда Темир йўллар министрлиги ҳамда Ўрта Осиё темир йўли раҳбарлари билан биргаликда сабзавот ва меваларни Москвага, мамлакатнинг бошқа шаҳарларига жадал етказиб бериш, маҳсулотлар истеъмолчиларга юқори сифатли ҳолда етиб бориши учун темирйўлчиларнинг масъулияти ва манфаатдорлигини ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Е. К. Лигачев озиқ-овқат магазинларига борди, у ерда харидорлар, ана шу шаҳарлар аҳолиси билан қизғин суҳбатлар бўлди.

Республика Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари билан ҳам суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, республика Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров сафарда Е. К. Лигачев билан бирга бўлдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев 13 май куни Москвага жўнаб кетди. Аэропортда уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар кузатиб қўйдилар.

**(ЎзТАГ).**

# БЕВОСИТА АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Аммо энг муҳими шундаки — бутун мамлакат экономикаси каби агросаноат комплексининг бутун хўжалик механизми тубдан қайта қурилмоқда. Бу ўзгаришлар шакллари ва усуллари хилма-хил ва тенг ҳуқуқли бўлиб, уларнинг мақсади бир, у ҳам бўлса меҳнатчиларни ишлаб чиқаришнинг чинакам хўжайинига айлантириш, деҳқонларга уларнинг ер билан азалий алоқасини қайтариб беришдан иборат.

Бунинг учун ҳозир қулай шароит яратилди. Қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан такомиллаштириш, бошқарувнинг иқтисодий усулларига ўтиш, хўжалик юритишнинг оқилона шаклларини, аввало ижарани, ишлаб чиқариш кооперациясини жорий этиш, нарх белгилашни яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида тенг айирбошлашнинг қарор топиши бутун агросаноат комплекси жадал ривожланиши учун яхши омил бахш этади.

Республикада ижара муносабатларини кенгайтириш, шахсий ёрдамчи хўжаликларда, боғдорчилик-полизчилик ширкатларида, саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун амалий чоралар кўрилмоқда. Барча бригадалари ва звенолари ижара пудратига ўтказилган колхозлар ва совхозларнинг сони кўпаймоқда. Республика Давлат агросаноат комитетининг саноат корхоналари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳам ижара шароитига ўтмоқда. Янги шакллар изланмоқда, хўжалик ҳисоби асосида ишловчи фирмалар, бирлашмалар, кооперативлар тузилмоқда. Ана шу жараёнларни жадаллаштиришни республика партия, совет, хўжалик органларининг биринчи галдаги вазифаси деб биламиз.

Буларнинг ҳаммаси ишларнинг аҳволига ижобий таъсир ўтказмоқда. Пахтачилик ва чорвачиликда, сабзавот- полизчиликни, боғлар ва узумзорларни ривожлантиришда аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш кўпайиб 5,2 миллион тоннага етди. Беш йилликнинг уч йилида Умумиттифоқ фондига 3,9 миллион тонна мева ва сабзавот етказиб берилди. Бу эса планда кўзда тутилганидан деярли 500 минг тонна кўпдир.

Аммо булар дастлабки ҳаракатлар, дастлабки қадамлар бўлиб, республика, айниқса, мамлакат эҳтиёжини қондирмайди. Аллақачон етилган кўпгина муаммоларни ҳал этишда сусткашликка йўл қўймоқдамиз. Мен, аввало, республиканинг деярли барча областларида сабзавот экинлари ва мевазор боғларнинг ҳосилдорлиги камлигини кўзда тутмоқдаман. Чунки, қаттиқ совуқ деярли бўлмайдиган саховатли ўлкамизда хўжайинларга хос тўғри ёндашилса, қимматли сабзавот маҳсулотларининг хилма-хил турларини етиштириш мумкин.

Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд ва бошқа областлардаги кўпгина хўжаликлар суғориладиган ерларда ғалла етиштирмоқдалар. Ҳолбуки, бундай экин етиштирилганида ҳар гектар ердан атиги минг сўм даромад олиш мумкин. Ана шу ерларда сабзавот етиштириш эса хўжаликларга ҳар гектар ер ҳисобига 8—10 минг сўм соф даромад келтирган бўлур эди.

Ҳаёт биздан эътиборимизни мева-сабзавот етиштиришга қаратишни, ҳар гектар ернинг самарадорлигини оширишга эришишни қатъият билан талаб қилмоқда. Бунинг учун экин майдонлари структурасини яхшилаш, ҳозирги вақтда қониқарсиз фойдаланилаётган қўриқ ерларда лойиҳадаги ҳосилдорликка тезроқ эришиш зарур.

Мева-сабзавот етиштиришни янги иқтисодий изга кўчириш бу соҳани юксалтиришнинг яна бир қудратли воситасидир. Шартнома нархлари жорий этилгач, бу тармоқ ривожланишнинг реал ва етарли даражада ишончли моддий омилларига эга бўлади: Ҳозирча Умумиттифоқ фондига етказиб берилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг улгуржи харид нархлари соф рамзий тусдадир.

Ўзаро манфаатли, узоқ муддатга мўлжалланган бевосита алоқалар ўрнатишни биз республикада мева-сабзавот етиштиришни ривожлантиришнинг, ҳам республика аҳолисини, ҳам Москва шаҳри, Урал, Сибирь ва Олтойнинг йирик саноат марказлари аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг муҳим резерви деб биламиз. Дастлабки тажриба бу йўлнинг истиқболли эканлигини кўрсатмоқда. Бу ўринда асосий принцип ва асосий наф шундаки, регионларимиз тасарруфидаги ресурслар планлаштириш ва таъминот ташкилотларининг катта тўсиқлари ва чалкаш йўлларини четлаб ўтиб, ўзаро манфаатли асосда бевосита айирбош қилинади.

Мева ва сабзавот эвазига биз тармоқнинг ўзини ривожлантириш учун ускуналар ва буюмлар оламиз, бизнингча, ҳамкорликнинг бундай тури энг самаралидир. Чунончи, Сирдарё областидаги бир қанча хўжаликлар мева-сабзавот эвазига озиқ-овқат саноати учун металл прокати ва ускуналарни ўзаро ва бевосита етказиб бериш тўғрисида Красноярск ва Хабаровск ўлкалари, Свердловск, Челябинск ва Барнаул областлари корхоналари билан келишиб олдилар. Новосибирск корхоналари бирлашмаси Бекобод районидаги «Победа» колхозида консерва цехи қуриб беради, ана шу цех маҳсулотининг бир қисми тўғридан-тўғри уларга жўнатилади.

Урал ва Сибирь нефтчиларининг Сурхондарё хўжаликлари билан алоқалари анча ибратлидир. Уралликлар ва сибирликлар областга 40 миллион сўмлик турли бинокорлик материаллари ва ускуналар етказиб бердилар. Ульяновск қурувчилари Бухоро области билан шартнома тузиб, сабзавот омбори, қўй терисини ошлайдиган корхона ва колбаса цехи қура бошладилар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг ҳар бир областидан қардош республикалар, айниқса, Россия Федерацияси меҳнатчилари билан амалий ҳамкорлик тўғрисида мисоллар келтириш мумкин. Хоразм ва Чита областлари меҳнат коллективлари ўртасидаги бевосита алоқалар уч йилдан буён давом этмоқда. Сибирдаги қишлоқ хўжалик ва қурилиш объектларида Хоразмдан борган 600 нафардан кўпроқ колхозчилар ва совхоз ишчилари меҳнат қилмоқдалар. Яқинда ҳамюртларимиз РСФСРнинг Саратов, Кострома, Ульяновск областлари ва Белоруссиянинг Витебск области вакиллари билан шартнома тузиб, картошка ва сабзавот етиштириш учун ана шу областларда 18 минг гектар ерни ижарага олдилар.

Ҳозир планга қўшимча маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан ўзаро мажбуриятшартномалар тузилмоқда.

Фарғона областининг меҳнатчилари РСФСРнинг Хакасия автоном областида сабзавот, мева ва узум сотадиган магазинлар очишга аҳд қилдилар. Бунинг эвазига фарғоналиклар Хакасиядан картошка ва ёғоч-тахта материаллари оладилар.

Қашқадарё, Тошкент, Андижон, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашларининг иқтисодий алоқалари географияси жуда кенг. Улар Россия Федерациясидаги 17 та область, ўлка ва автоном республикага сабзавот, мева, қовун-тарвуз етказиб бермоқдалар. Россия меҳнат коллективлари ана шу маҳсулотлар эвазига Ўзбекистонга кўплаб ёғоч-тахта, цемент, шифер, металл прокати, қувурлар, кўмир, йиғма уйлар жўнатдилар.

Ташкилотларимиз н и н г Москва, Урал, Сибирь, Олтой, Ноқоратупроқ зона меҳнаткашлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг ҳаётнинг ўзи келтириб чиқарган ана шу янги шакллари мустаҳкамланмоқда ва ўз самарадорлигини исботламоқда.

Ҳозир биз ўзаро манфаатли асосда маҳсулот етказиб бериш юзасидан областлар, районлар ва хўжаликлар билан қўшимча равишда бевосита алоқалар ўрнатишимиз, шартномалар тузишимиз лозим. Бизнингча, бу ишда савдо-сотиқдаги ўзаро манфаатларга риоя этилиши, барча ҳисоб-китоблар маҳсулот сотиладиган жойлардаги чакана нархлар ҳисобга олиниб, ўзаро келишилган нархлар асосида олиб борилиши керак. Чамаси ҳар икки томоннинг эҳтиёжларини қондирадиган айирбошлаш операцияларига устунлик бериш керак. Масалан, бизга ёғоч-тахта жуда ҳам зарур, чунки ёғоч-тахта етказиб берувчилар (шуни ҳам айтиш керакки, юқорида номлари зикр этилган регионлардаги ёғоч-тахта етказиб берувчилар) планлаштирилган ёғоч-тахтадан 400 минг куб метрини ёки 38 процентини, шу жумладан, лимитда кўрсатилган 243 минг куб метр ёғоч-тахтани етказиб беришни ижро учун қабул қилмадилар.

Лекин мева-сабзавот тармоғининг ўзини ривожлантириш учун зарур бўладиган воситалар — теплицалар учун ускуналар ва плёнка қопламалар, айниқса, юк ортиб жўнатиладиган жойларда маҳсулотларни сақлаш учун совитиш қурилмалари, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, кичик консерва цехлари учун линиялар ва ускуналар, турли катталикдаги қувурлар айирбошлашга кўпроқ эътибор бериш керак. Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш масалаларини ҳал этиш учун бизга ғишт пишириш ускуналари ғоят зарур. Халқ истеъмоли моллари, айниқса, мебеллар, мураккаб рўзғор техникасини бевосита етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилиши ҳам мумкин.

Бир қанча муҳим Иттифоқ органлари раҳбарларининг кенгашда иштирок этаётганидан фойдаланиб, ана шундай алоқаларни фаол ривожлантиришга кўмаклашадиган бир қанча мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман.

Кеча объектларни бориб кўрганимизда ишонч ҳосил қилганимиздек, фақат шартномавий алоқаларнигина эмас, балки бутун мева-сабзавот етказиб беришни ташкил этишда узил-кесил ҳал қилишни талаб қиладиган энг қийин масалалардан бири — маҳсулотларни тайёрлаш ва ташишдир. Ҳозир бу иш учун ҳеч ким на тайёрловчилар, на транспортчилар, на савдо ташкилотлари чинакамига жавоб беради. Е. К. Лигачев бу ҳақда тўғри гапирди. Мана шу чалкашликларнинг ҳаммаси маҳсулот етиштирувчилар елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда. Баъзан бундай нобудгарчиликлар етиштирилган бутун маҳсулотнинг 30 процентига етмоқда ва ундан ҳам ошиб кетмоқда.

Шу боисдан тузиладиган шартномаларда мева-сабзавот маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва уни ташиш билан ким шуғулланишини аниқ кўрсатиб қўйиш керак. Масофанинг олислигини ҳисобга олиб, бир қанча ҳолларда авиациядан, истеъмолчи корхоналарнинг ўз рефрижератор воситаларидан фойдаланишни, шунингдек, авиация ёрдамида ташиш нархини олдиндан кўзда тутиш лозим. Бу соҳада ҳаммамиз дадил ҳаракат қилишимиз керак: ўтган йилнинг тажрибаси кўрсатганидек, ҳайрон қоларли даражада ғайрат билан ишлаётган ва нархи билан ҳисоблашмаётган кўп сонли кооператорлар ташаббусни илиб кетишлари мумкин.

Ниҳоят, бошқа соҳаларда тағин ҳам кенгроқ ва хилма-хил алоқалар ўрнатиш учун шартнома муносабатларидан фойдаланиш тўғрисида. Ғалати туюлса ҳам, бу ўринда гап аҳолимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида бормоқда. Энг аввало, картошка билан таъминлашни яхшилаш керак. Чунки, республикага бириктиб қўйилган областлар давлат йўли билан картошка етказиб беришни йил сайин барбод қилмоқдалар. Масалан, ўтган йили бизга салкам 270 минг тонна картошка етказиб берилмади; бу эса планда кўзда тутилган картошканинг 30 процентини ташкил этади. Бу республикада аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли кўрсаткичи пастлигининг асосий сабабларидан биридир. Гўшт, сут маҳсулотларини ҳеч қандай рақобатсиз айирбошлаш қилиш мумкин, албатта, республика бундай маҳсулотларга эҳтиёжни ўз кучи билан қондира олмайди.

Шартнома тузиш чоғида шунга ўхшаш хилма-хил вариантларни ишлаб чиқиш керак. Чунончи, республика хўжаликларининг бошқа регионлардаги ерларни картошка ва бошқа экинлар етиштириш учун ижарага олиши, етиштирилган маҳсулотни ўзаро манфаатли шартлар асосида тақсимлаши каби вариантларни ишлаб чиқиш керак. Бевосита алоқалар доирасида Ўрта Осиё саноатининг ривожланаётган тармоқлари учун ишчи кадрлар тайёрлашни кенгайтиришнинг янги истиқболлари очилади, деб ўйлайман.

Кенгашимиз Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар қатори Ўзбекистонда ҳам шу даврга мутлақо хос бўлмаган совуқ ва ёғингарчилик натижасида ғўза ва бошқа экинларнинг деярли учдан икки қисми нобуд бўлган ва шикастланган бир пайтда ўтмоқда. Табиий офат республикага деярли 800 миллион сўмлик зарар етказди.

Ҳозирги вақтда бутун куч, барча моддий ресурслар табиий офат оқибатларини тугатишга сафарбар этилган. Бу йил мумкин қадар кўпроқ ҳосил йиғиштириб олибгина қолмай, келгуси йилларда уни кўпайтириш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилиш вазифаси турибди.

Айни ана шундай вазиятда бутун мамлакатнинг жипслиги, интеграция кучи, бирлиги ва дўстлиги, айтиш мумкинки, сиёсий бирлиги синовдан ўтади. Биз қардош республикаларнинг, турли регионларнинг ёрдамини чуқур миннатдорчилик туйғуси билан қабул қилмоқдамиз.

Ўрта Осиё республикалари бошига тушган кулфат Иттифоқ органларининг олдига процентсиз кредит бериш, бир йўла ёрдам кўрсатиш мева ва сабзавот етказиб бериш план кўрсаткичларига ўзгартишлар киритиш, ёнилғи-мойлаш материалларини қўшимча равишда ажратиш, қурилишга узоқ муддатли кредит бериш, аҳолига ва ижарачиларга беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш, сув лимитларини кўпайтириш каби масалаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Давлат страхованиеси органлари бошимизга тушган кулфатларни кўпроқ тушуниб муносабатда бўлишларини истар эдик. Аҳволни тезроқ ўнглаб олиш учун бу жуда зарур.

Нобуд бўлган экинлар ўрнини тўла ҳажмда қоплаш мумкин эмаслиги ҳозир равшан. Шу муносабат билан бу йил бизнинг шерикчилик имкониятларимиз унча катта бўлмаслиги мумкин. Лекин биз фақат шу кунни кўзлаб яшаётганимиз йўқ. Қардошлик, ўзаро ёрдам ва мадад бузилмас анъаналар қарор топган областларимиз ўлкаларимиз ва регионларимиз учун узоқ муддатли бевосита алоқалар заминини яратиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Кенгашдан кейин Урал, Сибирь, Олтойдан келган ўртоқлар алоқалар ўрнатиш ва шартномалар тузиш учун республикаларга, областларга, районларга, хўжаликларга жўнаб кетадилар. Ўзбекистоннинг партия, совет, хўжалик органлари бу муҳим иш учун барча шароитларни яратиш юзасидан ҳамма зарур ишларни қиладилар.

Тағин ҳам кенгроқ сиёсий жиҳатдан қараганда, КПСС Марказий Комитети март ва апрель Пленумлари муносабати билан, шунингдек, ҳозирги кенгаш тавсияларини ҳисобга олиб, иқтисодий ишлар ва ташкилотчилик ишини кучайтиришни ўз вазифамиз деб биламиз. Кенгашимиз ва бундан кейин олиб бориладиган хилма-хил ишлар самарали бўлиб, яхши натижа беради, совет халқлари дўстлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш ишига, қайта қуриш ишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

# 1989 ЙИЛГИ БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг ахбороти***

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети 1989 йил январида ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри бўйича аҳолининг сони, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳамда унинг жинси тўғрисидаги дастлабки якунларини ишлаб чиқди.

1. Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси 1989 йилнинг 12 январида 19 миллион 906 минг кишини ташкил этди.

Ўзбекистон аҳолиси сонининг урушдан кейинги йиллардаги рўйхатларга мувофиқ ўзгариши қуйидагича бўлди (миллион киши):

1959 йилда (15 январда) — 8,1
1970 йилда (15 январда) — 11,8
1979 йилда (17 январда) — 15,4
1989 йилда (12 январда) — 19,9

1979 йилги аҳолини рўйхатга олишдан кейин ўтган 10 йил мобайнида республика аҳолиси 4,5 миллион киши ёки 29,2 процент кўпайди.

2. Қорақалпоғистон АССРда, областларда ва Тошкент шаҳрида аҳоли сонининг ўзгариши қуйидагича бўлди:

| | Аҳоли сони, минг киши: 1979 йил | Аҳоли сони, минг киши: 1989 йил | 1989 йилда 1979 йилга нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Ўзбекистон ССР | 15391 | 19906 | 129 |
| Қорақалпоғистон АССР | 901 | 1214 | 135 |
| Андижон области | 1349 | 1728 | 128 |
| Бухоро области | 887 | 1141 | 129 |
| Қашқадарё области | 1121 | 1594 | 142 |
| Наманган области | 1100 | 1475 | 134 |
| Самарқанд области | 2160 | 2778 | 129 |
| Сурхондарё области | 895 | 1255 | 140 |
| Сирдарё области | 960 | 1316 | 137 |
| Тошкент области | 1792 | 2157 | 120 |
| Фарғона области | 1694 | 2153 | 127 |
| Хоразм области | 747 | 1016 | 136 |
| Тошкент шаҳри | 1785 | 2079 | 116 |

Табиий кўпайиш аҳоли кўпайиб бораётганлигининг асосий омилидир.

3. Ўзбекистон ССР аҳолисининг шаҳар ва қишлоқ аҳолисига бўлиниши қуйидагича ўзгарди:

| Йиллар | Жами аҳоли минг киши | шу жумладан: шаҳар аҳолиси | шу жумладан: қишлоқ аҳолиси | Жами аҳолига нисбатан процент ҳисобида: шаҳар аҳолиси | Жами аҳолига нисбатан процент ҳисобида: қишлоқ аҳолиси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1959 | 8119 | 2729 | 5390 | 34 | 66 |
| 1970 | 11799 | 4322 | 7477 | 37 | 63 |
| 1979 | 15391 | 6348 | 9043 | 41 | 59 |
| 1989 | 19906 | 8106 | 11800 | 41 | 59 |

Шаҳар аҳолиси 1979 йилга нисбатан 1 миллион 758 минг киши, шу жумладан, табиий кўпайиш ҳисобига 1 миллион 504 минг киши, миграция оқими ва қишлоқ пунктларини шаҳар пунктларига айлантириш ҳисобига 254 минг киши ошди. Қишлоқ аҳолиси 2 миллион 757 минг киши кўпайди.

4. Эркаклар ва аёллар сони қуйидагича ўзгарди:

| Йиллар | минг киши: эркаклар | минг киши: аёллар | 1000 эркакка тўғри келадиган аёллар: жами аҳоли | шаҳар аҳолиси | қишлоқ аҳолиси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1959 | 3897 | 4222 | 1083 | 1124 | 1063 |
| 1970 | 5744 | 6055 | 1054 | 1069 | 1046 |
| 1979 | 7558 | 7833 | 1037 | 1042 | 1033 |
| 1989 | 9819 | 10087 | 1027 | 1048 | 1013 |

1959 йилда аёллар эркаклардан 325 минг киши кўп эди. Кейинги йилларда бу тафовут камайиб, 1989 йилги рўйхат пайтида 268 минг кишига тушди. Аёлларнинг эркаклардан кўплиги 30 ёшдан кейин бошланади ва эркак аҳолининг ўлими бирмунча юқори даражада эканлиги билан, бундан ташқари кекса ёшдагиларда эркакларнинг уруш йилларида кўп нобуд бўлганлиги оқибатлари билан изоҳланади.

5. Қуйида Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг сони тўғрисидаги рўйхат маълумотлари берилган:

| | 1989 йил 12 январда аҳоли сони (минг киши): жами | шу жумладан: шаҳар | шу жумладан: қишлоқ | 1989 йилда 1979 йилга нисбатан процент (жами аҳоли) ҳисобида | Жами аҳолига нисбатан процент ҳисобида: 1989 йил шаҳар | 1989 йил қишлоқ | 1979 йил шаҳар | 1979 йил қишлоқ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон ССР | 19906 | 8106 | 11800 | 129 | 41 | 59 | 41 | 59 |
| Қорақалпоғистон АССР | 1214 | 584 | 630 | 135 | 48 | 52 | 42 | 58 |
| Андижон области | 1728 | 559 | 1169 | 128 | 32 | 68 | 29 | 71 |
| Бухоро области | 1141 | 397 | 744 | 129 | 35 | 65 | 33 | 67 |
| Қашқадарё области | 1594 | 415 | 1179 | 142 | 26 | 74 | 25 | 75 |
| Наманган области | 1475 | 550 | 925 | 134 | 37 | 63 | 34 | 66 |
| Самарқанд области | 2778 | 926 | 1852 | 129 | 33 | 67 | 42 | 58 |
| Сурхондарё области | 1255 | 245 | 1010 | 140 | 19 | 81 | 19 | 81 |
| Сирдарё области | 1316 | 407 | 909 | 137 | 31 | 69 | 29 | 71 |
| Тошкент области | 2157 | 958 | 1199 | 120 | 44 | 56 | 43 | 57 |
| Фарғона области | 2153 | 703 | 1450 | 127 | 33 | 67 | 33 | 67 |
| Хоразм области | 1016 | 283 | 733 | 136 | 28 | 72 | 20 | 80 |
| Тошкент шаҳри (1) | 2079 | 2079 | — | 116 | 100 | — | 100 | — |

6. 1989 йилнинг бошларида 124 та шаҳар, шу жумладан, аҳолиси 100 мингдан ошган 16 та шаҳар бор эди. 1979 йилги аҳоли рўйхатидан кейин ўтган даврда республикадаги 2 та шаҳар — Жиззах ва Навоий аҳолиси юз минг кишидан ошди. Катта шаҳарларда яшовчи аҳоли (100 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган шаҳарларда) 1979 йилга нисбатан 25 процент кўпайди.

Аҳолиси 100 минг ва ундан кўпроқ киши бўлган шаҳарлар, шунингдек, область марказлари аҳолиси сонининг ўзгариши:

| | Аҳоли сони, минг киши: 1979 йил | Аҳоли сони, минг киши: 1989 йил | 1989 йилда 1979 йилга нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Олмалиқ | 101 | 114 | 113 |
| Ангрен | 106 | 131 | 124 |
| Андижон | 230 | 293 | 127 |
| Бухоро | 185 | 224 | 121 |
| Жиззах | 70 | 102 | 147 |
| Қарши | 108 | 156 | 144 |
| Қўқон | 153 | 182 | 119 |
| Марғилон | 110 | 125 | 114 |
| Навоий | 84 | 107 | 127 |
| Наманган | 227 | 308 | 136 |
| Нукус | 109 | 169 | 155 |
| Самарқанд | 346 | 366 | 106 |
| Тошкент | 1780 | 2073 | 116 |
| Термиз | 57 | 83 | 146 |
| Урганч | 100 | 128 | 128 |
| Фарғона | 176 | 200 | 114 |
| Чирчиқ | 132 | 156 | 119 |

Аҳоли рўйхатининг аҳоли жинси, ёши, миллати, тили, маълумот даражаси, никоҳда бўлиш ҳолати, оилаларнинг миқдори, аҳолининг уй-жой шароитлари ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар СССР Давлат статистика комитети томонидан ишлаб чиқилмоқда ва «1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг якунлари» тўпламлари туркумида эълон қилинади.

1. Шаҳар Советига бўйсунувчи аҳоли пунктлари қўшиб ҳисобланган.

***Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети***

